**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Наманган вилояти Давлатобод тумани
Халк Таълим Булими инжинери
_________ Зайниев Б.

# Техник топшириқ

# БУЮРТМАЧИ

***Наманган вилояти Наманган шахар Давлатобод тумани Халк Таълим Булими–2022й.***

| № | Маълумотлар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|---|---|
| 1 | Бажариладиган иш | Наманган вилояти Давлатобод тумани 78-сонли мактаб биносини иссик тизимини жорий таъмирлаш ишлари<br><br>Жами бошланғич сумма : 160 150 180 сўм |
| 2 | Буюртмачи | Наманган вилояти Давлатобод тумани Халк Таълим Булими |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сўнг аниқланади |
| 4 | Объект жойлашган манзил | Наманган вилоят Давлатобод тумани "Шишаки" Улугбек кучаси 1-уй |
| 5 | Иш бошланиши ва тугалланиши | 2022 йил май – 2022 йил сентябрь |
| 6 | Маблағ манзили | Бюджет |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | Алоҳида талаблар | Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади |
| 8 | Налов шарти | 1) Иш тажрибаси: Танлов қатнашчиси ушбу топшириқдаги хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак.<br>2) Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак. |
| 9 | Тўловлар шарти | Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида |

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Наманган вилояти Давлатобод
тумани Халк Таълим Булими
инжинери
Зайниев Б.

«22»

**БУЮРТМАЧИ:**

**Наманган вилояти Давлатобод тумани  Халк Таълим Булими**

Наманган вилояти Давлатобод тумани 78-сонли мактаб биноси иссиклик тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

***Наманган вилояти Наманган Давлатобод тумани шахар Халк Таълим Булими***

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
II. **Техник қисм**
III. **Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Наманган вилояти Наманган шахар 78-сонли мактаб биноси иссиклик тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Давлатобод тумани Халк Таълим Булими

, (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Узбекистон, Наманган вилоят Давлатобод тумани Спортчилар кучаси, 21-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Давлатобод тумани Халк Таълим Булими биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чикарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат

буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**№ 1илова**

**Танловга таклим этиладиган хужжатлар руйхати**

1.Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат

2.Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот.

3.Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тугрисида маълумот.

5.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.

7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
8. Қурилиш ва таъмирлаш объектнинг қурилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот
9. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги

**Илова №2**

## Таклифларни техник ва нархлар буйича бахолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан бахоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник бахолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича бахоланади.

| № | Критерийларноми, мазмуни | Энгюкори балл | % хисобида |
|---|---|---|---|
| 1. | Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат | 20 | 80% |
| 2. | Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот | 10 | |
| 3. | Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари | 10 | |
| 4. | Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот. | 15 | |
| 5. | Охирги 3йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилганиш тажрибаси. | 20 | |
| 6. | Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи | 15 | |
| 7. | Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги | 20 | |
| 8. | Қурилиш ва таъмирлаш объектнинг қурилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот | 15 | |
| 9. | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 20% |